



BUYRUQ

Toshkent sh.

ПРИКАЗ

г. Ташкент

20 20 y. « 03 » 01 dagi 4 - sonli

**Давлат харидларини амалга
оширишда танлов (тендер)
савдоларини ташкил этиш тўғрисида**

2018 йил 9 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-472-сонли Ўзбекистон Республикаси қонунига ҳамда “Ўзстандарт” агентлигининг 2018 йил 6 июндаги 205-сонли буйруғига мувофиқ, давлат харидларини амалга оширишда ушбу қонуннинг принцип талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов (тендер) савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида **буюраман:**

1. Давлат харидларига асосан “UzTest” DUK томонидан танлов (тендер) савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича 1-иловага мувофиқ харид комиссияси тасдиқлансин.

2. Давлат харидига асосан тендер савдоси ўтказилишини амалга оширишда комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси инвестициялари бўйича Давлат қўмитасининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзинжиниринг” Республика лойҳалаштириш институтининг вакиллари киритилиши назарга олинсин ва қабул қилиниши таъминлансин.

Комиссия аъзолари ўз фаолиятида “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун талабларига ҳамда танлов (тендер) савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича қонун ости ҳужжатларига риоя қилинсин.

3. Давлат харидига асосан савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича танлов (тендер) комиссиясининг раиси:

харид комиссиясининг иш фаолиятига раҳбарлик қилади;

харид комиссияси мажлисларини чақиради ва олиб боради;

овозга қўйишни ва харид комиссияси томонидан қабул қилинган қарорларни эълон қилади;

харид комиссиясининг мажлис баённомаларини имзолайди.

4. Давлат харидига асосан савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича танлов (тендер) комиссиясининг раиси мажлисда иштирок этмаганда унинг вазифаларини раис ўринбосари бажаради.

5. Давлат харидига асосан савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича танлов (тендер) комиссиясининг тезкор фаолияти ташкил этиш етакчи бухгалтер Ж.Мухторовга зиммасига юклансин.

6. Давлат харидлари соҳасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилсин.

7. “Республика ССМ” ДКнинг 2018 йил 12 октябрдаги 255-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисобласин.

8. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш директор ўринбосари Ж.А.Пулатов зиммасига юклансин.

Директор


А. Мустафоев

Киритилди:




З.Икрамова


Келишилди:




Ж.Пулатов




Ф.Саматов



Ж.Абдуқодиров




А.Хакимов



Ш.Самаритдинов



Ф.Мадумаров



И Маматқулов



Ж.Мухторов



**“UzTest” DUK томонидан танлов (тендер) савдоларини
ташқил этиш ва ўтказиш бўйича харид комиссияси таркиби**

Комиссия раиси- директор ўринбосари Ж.Пулатов

Комиссия раиси ўринбосари-директор ўринбосари Ф.Саматов

Комиссия аъзолари:

Бош ҳисобчи

З.Икрамова

12-бўлим бошлиғи

Ж.Абдуқодиров

СЛМ-41 бўлими бошлиғи

А.Хакимов

СЛМ-42 бўлими бошлиғи

Ш.Самаритдинов

10- бўлими бошлиғи

Ф.Мадумаров

Бош муҳандис

И.Маматкулов

Ётакчи бухгалтер

Ж.Мухторов

** Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга тайинланганлар ёхуд тегишли вазифа бажарилиши юклатилган шахслар киритилади.*